Биография

Толиб Эназаров



Эназаров Толиб Джуманазарович 1961 йилнинг 11 июлида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Саксонкапа қишлоғида туғилган. 1981-1987-йилларда Тошкент давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида ўқиган. 1987 йилда ТошДУни имтиёзли диплом билан тугатиб, ЎзР ФА Тил ва Адабиёт институтининг диалектология бўлимида ишлаган.

1989-2016-йилларда ЎзМУда “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари, доцент вазифасини бажарувчи ва доцент бўлиб ишлаган.

2016-2017-ўқув йилидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси доценти, профессор вазифасини бажарувчи, 2017-2018-ўқув йилида Фольклоршунослик ва диалектология кафедраси мудири, 2018-2019-ўқув йилида Лексикография кафедрасида профессор вазифасини бажарувчи, 2018-2019-ўқув йилидан профессор лавозимида фаолият юритган. 2019 йил ноябрь ойидан “Ўзбек тилшунослиги” кафедраси профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

1993 йилда профессор Карим Назаров раҳбарлигида “Шаҳрисабз ҳудуди жой номларининг тарихий-қиёсий тадқиқи” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳамда 2006 йил “Ўзбекистон Республикаси топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Асарлари:

2016 Қорақалпақистон Республикасиндағи топонимлерди топлаў бўйинша сўраунама. Ўқув-методик қўлланма ҳаммуаллифликда, Тошкент, “Турон замин зиё”
Ўзбек диалектологияси, ҳаммуаллифликда.

2017 Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма., Тошкент .

2019 Ономастик тадқиқ методлари., “ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ, Фарғона .

2020 “Муҳокаматул-луғатайн”даги диалектал сўзлар ва образли номланишлар талқини., “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 3-сон.

2021 Ўзбек халқ ўйинларининг келиб чиқиши., (ҳаммуаллифликда). XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

Copyright © 2022
All Rights Reserved.